



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Касимова Гуляра Ахматовна

*Тошкент молия институти "Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши" кафедраси
профессори*

Арипова Камола Ботир қизи

Тошкент молия институти магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотларидаги ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш масалалари хусусан, ташкил этишга зарурат туғдирган омиллар, бюджет тизимидаги мавжуд муаммолар, ички аудитни ташкил этишга асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шунингдек, ички аудит хизматини бюджет ташкилотларида ташкил этишнинг ташкилот фаолияти яхшиланишига қўшадиган хиссаси ёритиб берилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы организации службы внутреннего аудита в бюджетных организациях Республики Узбекистан, в частности, факторы, создавшие потребность в организации, существующие проблемы в бюджетной системе, нормативно-правовые документы, которые разъяснены основы организации внутреннего аудита, а также вклад организации службы внутреннего аудита в бюджетных организациях в совершенствование организационной деятельности.

Abstract: In this state, the questions of the organization of the internal audit service and the budget organization of the Republic of Uzbekistan, the specifics, factors, organizational requirements and the organization, the problems of the budget system, regulatory and legal documents that explain the basic organization of the internal audit service, and also the contribution of the organization of the internal audit service are listed in this state. в budget organization в sovershenstvovanie organizational detail.

Калит сўзлар. Ички аудит, ички назорат, бюджет ташкилоти, назорат, мониторинг, давлат молиявий назорати, харажатлар сметаси, хизмат фаолияти.

Ключевые слова. Внутренний аудит, внутренний контроль, бюджетная организация, контроль, мониторинг, государственный финансовый контроль, смета расходов, служебная деятельность.

Keywords. Internal audit, internal control, budget organization, control, monitoring, state financial control, cost estimate, service activity.

Кириш

Бюджет ташкилотларида бюджет маблағлари сарфланишини тўғри ташкил қилиш орқали тақсимлаш, режа асосида самарали ишлатилишини назорат





қилиш ҳамда рискларни мақбул даражада пасайтириш ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишда асосий рол ўйнайди. Тўғри режалаштириш ва режа асосида мақсадли ишлатилиши бир нечта омилларга боғлиқ бўлиб, уларни доимий мониторинг қилиш ички назорат тизимини тўғри ташкил қилиниши билан характерланади. Бу тизимнинг назорати эса, ички аудит хизматига юклатилади. Ички аудит хизматини ички назорат тизимининг турли бўғинлари устидан самарали назоратни амалга оширишга ёрдам бериш учун мўлжалланган фаолият сифатида эътироф этиш мумкин. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятнинг ташкил этилиши билан кўплаб хатоликлар ва қонунбузарликларни содир этилмасдан аввал олдини олиш, ҳисоб юритишда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун турли таклифлар ишлаб чиқиш ва шу билан бюджет ташкилоти фаолиятида ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Адабиётлар шарҳи

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини таҳлил қилишда маҳаллий ва хорижий олимларнинг бу йўналишда олиб борган илмий-тадқиқот ишлари, мақола ва илмий ишланмаларини ўрганилди. Хусусан, халқаро олимлардан И.И. Чебишев, М.В. Грачева ва Н.В. Гамулинскаянинг фикрлари алоҳида эътиборга эга. Жумладан, Н.В. Гамулинская бюджет ташкилотларида ички аудит ўтказишнинг алоҳида босқичларини ажратиб кўрсатган. Унинг фикрига кўра "...бюджет ташкилотларида ички аудитнинг ўтказилиши объектив ва самарали бўлиши керак. Бунга эришиш учун эса ички аудитнинг олдиндан белгилаб қўйилган барча босқичларини тўлиқ амалга ошириш керак".²¹

Мамлакатимиз олимларидан эса С.У. Мехмонов ва З.У. Хамидованинг илмий ишларида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати ташкил этилишининг зарурати, унинг ташкилот фаолиятидаги мақсад ва вазифалари, шунингдек, соҳада мавжуд муаммолар таҳлил этилган. С.У.Мехмонов ўз мақолаларида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати ташкил этилишининг қанчалик аҳамиятли эканлигини қуйидагича изоҳлаган: "...бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини самарали йўлга қўйиш бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланиши таъминланишини мустаҳкамлайди"²².

Тадқиқот методологияси

Мавзунини таҳлил қилиш жараёнида бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди ҳамда мавзунини ёритишда кузатиш, синтез, илмий абстракция ва умумлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

²¹ Гамулинская Н. В., Санович И. О. Внутренний аудит в бюджетных учреждениях. // Научный журнал "Управленческий учет" 2021. №10. -С. 253

²² Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари. // "Иқтисод ва молия" 2015. №10. - Б.57





Ҳозирги жадал ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиёт шароитида ҳар бир иқтисодий бўғиннинг назоратини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Охирги йилларда ички назорат тизимида “ички аудит” атамаси ҳам кўзга ташлана бошлади. Ташкилотлар таркибида ички аудит хизмати ташкил этилишининг аҳамиятини ривожланган давлатлар амалиёти яққол кўрсатиб турибди. Ички аудит - ташкилот фаолиятининг барча жабҳаларини унинг доирасида амалга ошириладиган ва бошқарувчиларда мавжуд назорат тизимининг ишончли ва самарали эканлигига ишончини мустаҳкамлашга қаратилган мустақил баҳолаш тизимидир. Ички аудитнинг мақсади бошқарув органларига ҳам муассаса, ҳам унинг таркибий бўлинмалари фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириш, молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобини юритиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлашдан иборат. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини кўрадиган бўлсак уларда ички аудит хизмати фаолияти бюджет ташкилотлари таркибида ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар таркибида ҳам аллақачон ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаган.

Бюджет ташкилотларида ички аудит – ташкилот томонидан ҳаражатлар сметасини тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш, бюджет интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфлашга йўналтирилган фаолиятдир.²³

Сўнгги йилларда мамлакатимиз бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида, халқаро стандартлар талаблари асосида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартиби такомиллаштирилиши натижасида бюджет ташкилотларида ҳисобни ташкил этишнинг қонунчилик асослари етарли даражада ислоҳ қилинди ва соҳада қатор янгиликлар амалга оширилди. Лекин шунга қарамай бюджет ташкилотлари ҳисоби амалиётида маълум муаммоли вазиятлар ўз ечимини топмади.

Жумладан:

- давлат молиявий назорати органлари (Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси, Давлат солиқ хизмати органлари) томонидан режали текширишлар ўтказилганда бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, молиявий камомадлар, бюджет ҳисобининг мавжуд қонун ҳужжатлари талаблари доирасида юритилмаслик ҳолатларининг аниқланиши;

- бюджет ташкилотларида ички молиявий назорат тизими фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги натижасида ҳисобни юритишда турли ёндашувларда хатоликларга йўл қўйилиши;

²³ Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари. // “Иқтисод ва молия” 2015. №10. -Б.53





- бюджет ташкилотининг ҳаражатлар сметаси ва уларнинг ижроси ҳолати таҳлили йўлга қўйилмаганлиги сабабли молиявий назорат органлари томонидан текширишлар ўтказилганда камчиликлар, хатоликлар аниқланиши, шу ва бошқа қатор муаммолар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида бюджет маблағлари назоратини, умуман бюджет ташкилотлари фаолиятини ташкилот ичидан туриб назорат қилувчи янги бир бўлимнинг, яъни бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этилиши заруриятини келтириб чиқарди.

Бюджет ташкилотлари таркибида ички аудит хизмати фаолияти ташкил этилганда:

- бюджет ташкилотлари таркибидан туриб фаолиятнинг самарадорлиги баҳоланади, смета-штат интизомига риоя қилиш бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва ташкилот раҳбарига тақдим этилади;

- молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилади;

- ҳар молия йилида ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли ички аудитор текширувлари амалга оширилади (ҳар чорақда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

- давлат молиявий назорати органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади;

- тузиладиган ҳўжалик шартномаларининг мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилади;

- бюджет ташкилотида амалга оширилаётган операциялар меъёрий ҳужжатлар, ички низомлар, ҳисобот бўйича қоидалар, шартномалар мажбуриятлари талаблари доирасида амалга оширилаётганлиги текширилади ва назорат қилинади.

Ички аудит хизмати фаолиятини бюджет ташкилотлари таркибида жорий этишнинг юқоридаги ижобий жиҳатларини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда ПҚ-3231-сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизминини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади бюджет муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги маъсулиятини ошириш, шунингдек замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қончилигини бузиш





ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқишдир.²⁴

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун ички аудитнинг давлат молиявий назоратидан фарқини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

“Давлат молиявий назорати - бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида давлат молиявий назорати объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда таққослашдир”.²⁵

Ички аудит бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва ҳолис кафолатлар ҳамда маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилашга, тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишга кўмаклашади.

Ички аудит профессионал амалиётининг халқаро стандартларида ҳозирги кунда кенг миқёсда қабул қилинган мукамал таърифи “Ички аудит мустақил, холис, кафолатли ва ташкилот фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида лойиҳалаштирилган маслаҳат фаолиятидир”²⁶, деб баён қилинган.

1-жадвал

Давлат молиявий назорати ва ички аудитининг фарқли томонлари²⁷

Кўрсаткичлар	Давлат молиявий назорати	Ички аудит
Ким ўтказади	Учинчи шахс	Ички аудитор хизмати ҳодими
Текширувнинг йўналтирилганлиги	Ўтган давр бўйича	Келгуси натижага
Аниқланган қонунбузарликларга муносабати	Чора кўради	Олдини олади, таклиф беради
Кимга бўйсунди	Молия вазирлигига	Тўғридан тўғри ташкилот раҳбарига
Текширувнинг ўтказилиши	Йилда бир мартта	Йил давомида узлусиз

Ўтган икки йил давомида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Ички аудит учун энг муҳим ҳуқуқий асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини

²⁴ Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. Тошкент. “ВНЕШИНВЕСТПРОМ” 2021. Б.12.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил. 26 декабр. <http://www.lex.uz>

²⁶ Оптнер С. Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем. Москва, Советское радио. 1969 г. Содержание Системный анализ: этап развития методологии решения проблем в США 3/Москва

²⁷ Маълумотлар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди





молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”²⁸ги қарори ҳисобланади. Бу қарорнинг қабул қилиниши бюджет ташкилотларида давлат молиявий назорати ва ички аудити хизматлари ташкил этилишига асос бўлди десак адашмаган бўламиз.

Мазкур соҳага тегишли қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”²⁹ 6300-сон Фармони бўлиб, ҳужжатда давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштиришда Ҳисоб палатаси ва ички аудит хизмати олдидаги амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”³⁰ги Қарорининг қабул қилиниши бюджет ташкилотлари ички аудит хизмати меъёрий-ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Ушбу қарорга кўра қуйидагилар Ички аудит хизматлари билан ишлаш бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- ички аудит миллий стандартлари ва бошқа услубий ҳужжатларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- инспекция ва ички аудит хизматлари ходимларининг малакасини доимий ошириб бориш ишларини ва уларни сертификатлашни ташкил этиш;
- масофавий аудит тадбирлари кўлами ва сифатини ошириш, шунингдек, ички аудит хизматларида рискларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда услубий кўмаклашиш;
- ички аудит хизматлари фаолиятини ўрганиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида ҳисоботлар тайёрлаш ва эълон қилиб бориш.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини янада самарали олиб борилишини таъминлаш мақсадида 2022 йил 24 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғига асосан “Ички аудитнинг миллий стандартлари”³¹ қабул қилинди. Мазкур ички аудит миллий стандартлари вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ҳамда ички аудит тадбирларини ўтказишнинг стандартларини белгилайди.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон Қарори. 2017 йил. 27 август.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сон Фармони. 2021 йил. 27 август.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон Қарори. 2022 йил. 14 февраль.

³¹ Ички аудит миллий стандартлари – (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган)





Соҳадаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш жараёнида шунга амин бўлдики, бюджет ташкилотлари ички аудитида чуқур таҳлил қилиниши ва аниқлик киритилиши керак бўлган муаммолар ҳали талайгина. Бу муаммоларни ечишда хориж тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитига мос тажрибаларни амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Ҳозирги кунда ички аудит хизмати ташкил этилган бюджет ташкилотларида ишнинг самарадорлиги, фаолиятнинг оператив олиб борилиши, бюджет маблағларини тасарруф қилишда қонун доирасида иш юритилиш коэффициенти ошганлиги кузатилмоқда.

Бизнинг фикримизча бюджет ташкилотларда ички аудит хизмати ташкил этилишининг самарадорлигини кенг оммага билдириш учун қуйидаги ишлар қилиниши мақсадга мувофиқ:

- бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини фаолияти йўлга қўйилгандан кейин молиявий қонунбузарликларнинг камайиш кўрсаткичларининг миқдор ва қиймат параметрларини белгилаш;
- ички аудит хизмати тавсияларининг ижросини таъминлаш ҳисобига бюджет харажатлари самарадорлигини ташкил этиш;
- бюджет ташкилоти зиммасидаги вазифаларни ижобий бажарилиши натижаларини эълон қилиш;
- ташкилотдаги ички аудит хизматининг эркин фаолият юритишига шароит яратиб бериш;
- ички аудит хизмати ҳодимларининг малакасини ошириш.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти йўлга қўйилгандан кейин молиявий қонунбузарликларнинг камайиш кўрсаткичларининг миқдор ва қиймат параметрларини белгилаш орқали биз бюджет ташкилотларида юзага келаётган молиявий йўқотишлар ва камомадларни олдини олишимиз мумкин. Ички аудит хизмати тавсияларининг ижросини таъминлаш натижасида бюджет ташкилотида мавжуд муаммоларни ташкилот ичидан туриб ижобий ҳал қилишга эришилади.

Бюджет ташкилоти зиммасидаги вазифаларни ижобий бажарилиши натижаларини эълон қилиш ички ва ташқи ахборот олувчиларни очиқ маълумотлар билан таъминлайди ва ташкилотнинг ахборот имкониятларини кенгайтиришга олиб келади, бу эса ўз ўрнида “Open budget”³² порталини аниқ маълумотлар билан таъминлайди. Ташкилотдаги ички аудит хизматининг эркин фаолият юритишига шароит яратиб бериш ички аудит хизмати сифатига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ички аудит хизмати мустақил фаолият юритса, турли хил коррупцион ҳолатларнинг олди олинади ва ташкилот фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконияти кенгайди. Шу ўринда ички аудит ҳодимларининг малакали бўлиши ҳам бюджет ташкилоти таркибида мавжуд муаммоларни аниқлаш рискинни камайтиради.

³² Openbudget.uz сайти





Ички аудит хизмати ходимлари ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириши учун талаб этиладиган билим ҳамда қуйидагилар бўйича етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

- ички аудит объекти молиявий фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда ишончлилигини баҳолаш;
- ички аудит тадбирлари билан қамраб олинган масалаларнинг аҳамияти, муҳимлиги ва мураккаблигини аниқлаш;
- ички аудит объектида бюджет интизомига амал қилиниши ва молиявий бошқарув жараёнларининг самарадорлигини ўрганиш;
- молиявий хато ва камчиликлар, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг юзага келиши эҳтимолини баҳолаш;
- ички аудит объекти молиявий фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Хулоса

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг ташкил этилиши бюджет ташкилоти фаолиятини фақатгина ижобий кўрсаткичларга олиб чиқишга ёрдам беради. Назоратнинг бу тури бюджет ташкилотларида аниқланган хато ва камчиликлар учун чора кўрмайди, аксинча, бу хатоларни тўғирлаш юзасидан таклифлар беради. Шу ўринда ички аудит хизмати бўлимига бюджет ташкилотларида бухгалтерлик лавозимида кўп йил ишлаган катта амалий тажрибага эга ходимлар, шунингдек, аудитор сертификатига эга бўлган шахсларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ички аудит фаолияти учун алоҳида хусусият ҳисобланган текширувнинг йил давомида узлуксиз олиб борилиши, Ички аудит хизмати бўлими томонидан ўрганилган объектлар бўйича ойлик, чораклик ҳисоботларнинг тақдим этиб борилиши йиллик текширувларда аниқланиши қийин бўлган майда хатоликларни ҳам аниқлаш имконини беради.

Бюджет ташкилоти таркибида ички аудит хизмати фаолиятининг мавқеини мустаҳкамлаш учун ички аудитнинг бошқа бўлимлар билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этиш компонентларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ташкилот раҳбари томонидан ички назоратни ташкил этишда бажариладиган вазифалар аниқ белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: Ўзбекистон, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил. 26 декабр.
<http://www.lex.uz>





3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон Қарори. 2017 йил. 21 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сон Фармони. 2021 йил. 27 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон Қарори. 2022 йил. 14 февраль.
6. Ички аудит миллий стандартлари – (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган).
7. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари. // “Иқтисод ва молия” 2015. №10. – 53б
8. Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. Тошкент. “ВНЕШИНВЕСТПРОМ” 2021.-12б
9. Гамулинская Н. В., Санович И. О. Внутренний аудит в бюджетных учреждениях. // Научный журнал “Управленческий учет” 2021. №10.-253 б
10. Оптнер С. Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем. Москва, Советское радио. 1969 г. Содержание Системный анализ: этап развития методологии решения проблем в США 3/Москва
11. <https://openbudget.uz/> сайти

